



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 103 (12.164)

Баҳоси эркин нарҳда

## ПОЙТАХТНИНГ

БИР КУНИ

Сўнги кўнғироқ



## ОЙДИН ОРЗУЛАР САРИ

**Бугун мамлакатимиздаги барча мактабларда ўқув йили якунланиб, сўнги кўнғироқ садолари янгради. Ўқувчиларнинг қалблари ҳаяжонга тўлиб-тошган. Чунки улар меҳрибон устозлари, азиз синфдошлари, жонажон мактаблари билан хайрлашиб мустақил ҳаётга дадил қадам ташлаш арафасидалар. Мустақил ҳаётга ташналик, эзгу мақсадлари, орзу-ниятлари кўзларида акс этиб турибди.**

Бу йил шахримиз мактабларини 38 минг 655 нафар ўқувчи битирмоқда. Яққасарой туманидаги 144-мактабда ҳам эрта тонгдан тантанали бошланган сўнги кўнғироқ тадбирлари мактаб ўқувчилари ва битирувчилари, ўқитувчилар, ота-оналар ва маҳалла фаоллари иштирок этдилар.

Тадбирда сўзга чиққанлар битирувчиларга келгусидаги нурафшон йўлларида омадлар тилаш баробарида, уларнинг билими ва ҳар томонлама қомил инсонлар бўлиб етишиши, юртимиз ривожланиши ва раванги йўлида астойдил хизмат қилишларига оқ йўл тиладилар.

Жумладан, тадбирда тўққизинчи синф ўқувчилари ҳам сўзга чиқиб, ўз дил ихорларини, мактаб билан боғлиқ илқ хотираларни ёдга олиш баробарида, дилрабо куй-қўшиқлари билан байрам тантанасининг янада мазмунли ва мароқли ўтишини таъминладилар.

— Айни дамда ажиб ҳаяжонлар оғушидамыз, — дейди 144-мактаб ди-

ректори Нилуфар Ҳусанбоева, — 114 нафар битирувчиларимиз бағримиздан учирма бўлмоқдалар. Ўқувчиларимиз ўз болаларимиз каби азиз ва қадрли бўлиб қолганлар. Улар билан хайрлашиб ўқитувчилар жамоаси учун оғир. Аммо бу ҳам ҳаёт қонунларидан бири ҳисобланади. Ёшларимиз орасида иқтидорли, билимлиларни жуда кўп. Улар туфайли мактабимиз нуфузи доимо ошиб келган. Ишонимизки, улар келажакда халқ манфаати, юрт ободлиги йўлида астойдил хизмат қиладилар, элимизнинг қорига ярайдиган, қомил ва солиҳ инсонлар, давлатимиз тараққиётига ҳисса қўшадиган кишилар бўлиб етишадилар.

Тадбир сўнгида биз битирувчи ёшларнинг келгусидаги орзу-мақсадлари хусусидаги дил сўзларини ҳам қоғозга туширишга муваффақ бўлди.

**Шерзод ЭРҒАШЕВ:**  
— Менинг келажакдаги орзуларим улкан. Дастлаб, 1-Республика тибби-

ёт коллежиди таҳсил олмақчиман, Сўнгра эса Тиббиёт академиясида ўқимшни давом эттирмақчиман.

Устозларим, синфдошларим ва тенгдошларим билан хайрлашиб мустақил ҳаётга дадил қадам ташлаш арафасидамиздан бир умр миннатдоримиз. Улар берган билим ва тарбияга доимо амал қиламиз ва ҳеч қачон уларни унутмаймиз.

**Мадина ТОЛИБЖОНОВА:**  
— Жуда ҳаяжондаман. Айниқса уйимиздак қадрдон бўлиб қолган жонажон мактабимиз, жонқуяр ўқитувчиларимиз, қадрдон синфдошларимиз ва мактабдошларимиз билан хайрлашиб оғир кечаркан. Келажакда устозларимиз ўғитларига амал қилиб, Ватанимизга муносиб фарзандлар бўлиб етишишга ҳаракат қиламиз. Улардан олган тарбия ва билимга суюнган ҳолда, обод ва озоқ юртимизга сидқидилдан хизмат қиламиз.

Дарҳақиқат, қалби чексиз орзуларга тўла ёшларнинг мақсадлари ўзлари каби беғубор ва улғурди. Уларнинг ҳаётга қанқоқлиги ҳеч қачон завол топмасин. Ойдин орзулари, эзгу мақсадлари ёруғ йўлларга туташ бўлсин.

**Гулчехра ДУРДИЕВА:**  
**СУРАТДА: 144-мактабда бўлиб ўтган сўнги кўнғироқ тадбиридан лавҳа.**

Қозим Улмасов олган сурат

**Бангкокда Ўзбекистон Республикаси ва Таиланд Қироллиги ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 20 йиллигига бағишланган қатор тадбирлар бўлиб ўтди. Уларда Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Б.Сайфуллаев делегацияси аъзолари иштирок этдилар.**

## ЎЗБЕК МАДАНИЯТИ ТАИЛАНДНИ МАФТУН ЭТДИ

Ушбу муҳим сана муносабати билан халқаро ташкилотлар, Таиланднинг ижтимоий-сиёсий, ишбилармон, эксперт-таҳлил доиралари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда дипломатия корпуси раҳбарлари иштирокида Таиланд Ташқи ишлар вазирлигида тантанали қабул маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон делегацияси аъзоларининг Таиланд Қироллиги ташқи ишлар вазири С.Товичакчайкул билан учрашуви бўлиб ўтгани ҳамда маданий, гуманитар ва бошқа соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати, истиқболлари юзасидан ўзаро фикр алмашилгани тилга олинди.

С.Товичакчайкул 20 йил давомида Таиланд ва Ўзбекистонни дўстона ва ўзаро ишончга асосланган муносабатлар бир-бирига боғлаб келган ҳамда юқори даражадаги қатор ўзаро ташрифлар бу ришталарни янада мустаҳкамлашга қўмақ берганини қайд этди. Вазирнинг баёнот беришича, Таиланд Ўзбекистонга Ўрта Осиёдаги ўзининг яқин дўсти ва шериги сифатида қарайди. У ўзаро иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш учун катта имкониятлар мавжуд эканини таъкидлагани ҳамда Таиланд ҳукумати бундан кейин ҳам ушбу йўналишдаги шерикликни мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон ҳукумати билан яқин ҳамкорликда иш олиб бораётгани маълум қилди.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, Ўзбекистон ва Таиланд ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ҳозирги ҳолати икки давлат раҳбарлари саъй-ҳаракатларининг натижаси ҳисобланади. Учрашув чоғида жорий йил май ойининг сўнгида юртимизда «Ўзбекистонда Таиланд кунлари» ўтказилиши ва бунга жиддий тайёргарлик кўриладигани ҳам тилга олинди.

Таиланд Ташқи ишлар вазирлигидаги тантанали қабул маросими Ўзбекистон халқ амалии санъати маҳсулотлари ва суратлар кўргазмасига уланиб кетди. Ўзбек миллий ашулалари ва рақсларидан ташкил топган маданий дастур намойиши эса маросимга алоҳида шукўҳ бахш этди.

(Давоми 2-бетда)



## МАМЛАКАТИМИЗДА

• «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида ташкил этилган «Келажак овози — 2012» республика кўрик-танловининг Сурхондарё вилояти босқичи бўлиб ўтди.

• Урганч касб-хунар коллежиди Ўзбекистон Республикаси «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳамкорлигида «Касб-хунар коллежларида таълим жараёнини такомиллаштириш ва битирувчиларни ишга жойлаштириш» мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди.

• Термиз шаҳрида «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури ижроси доирасида «Сурхон оҳанглари» ва «Мен нечун севаман Ўзбекистонни» номли фотокўргазма намойиш этилди. Фотокўргазма Шеробод тумани маданият уйи ва тоғли Пошхурд қишлоғидаги 33-умумтаълим мактабиди ўз ишини давом эттирди.

• Навоий шаҳрида давом этаётган умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари — 2012» спорт ўйинлари финал босқичида энгил атлетика ва сузиш бўйича дастлабки медаллар соҳиблари маълум бўлди.

• Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика волейбол федерацияси ҳамда Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети ҳомийлигида волейбол бўйича эркаклар ўртасида ўтказилган мусобақанинг финал босқичида Нукус давлат педагогика институти, Нукус Олимпия захиралари коллежи, Қорақалпоқ давлат университети, «Прогресс» таълим ва тараққиёт маркази, Қораўзак ва Тахтақўпир туманлари жамоалари ўзаро куч синашди.

## ЖАҲОНДА

• Кеча Лондон хом ашё биржасида бўлиб ўтган навбатдаги савдолар чоғида Brent русумли нефтнинг нархи 0,99 долларга ошиб, бир баррели 106,55 долларни ташкил этди.

• Кеча Доғистондаги қишлоқлардан бирида чиққан кучли ёнғин натижасида 60 та хонадон бутунлай ёниб кетди.

• Кеча Норвегия денгизиди магнитудаси 6,2 балли зилзила содир бўлди.

• Бир неча кундан буён тинмай ёғаётган ёмғир оқибатида Франциянинг Нанси шаҳри сув остида қолди. Маълумотларга кўра, йўللарда автомобиль ҳаракати, шаҳардаги мактаблар фаолияти вақтинча тўхтатилган. Табиий офат электр тармоқларини ишдан чиқарган, минглаб одамлар электр энергиясиз қолган. Ноқулай об-ҳаво шароити оқибатида бир неча одам ҳалок бўлган ва жароҳатланган.

• Панама гарбидаги тоғли худудлардан зоологлар янги турдаги антиқа кўринишли қурбақани аниқладилар. Ёрқин сариқ рангдаги бу жонивор «Diaspogus citrinobartheus» деб номланади. Бу антиқа «сарик ёмғир қурбақаси»нинг катталиги икки сантиметрдан ошади.

• Швецияда қалбаки дори препаратларини интернет орқали сотувчи уюшган жиноий гуруҳлар сони тобора ортмоқда. «Дагенс Нюхетер» нашининг ёзишича, мамлакатда қалбаки препаратлар олди-сотдиси билан шуғулланувчи кишиларга нисбатан қаттиқ жазо қўлланилмайди. Шу боис бундай жиноят ортидан бойлик тўплаш илнжидаги жиноий гуруҳлар сони кўпаймоқда. Асосан семиришга қарши сифатсиз дориларнинг умумий савдоси ҳажми 900 миллион кронга (тахминан 100 миллион евро) тенг.

## Тошкентда 24 май кунди Ўзбекистон ва Хитой ишбилармон доиралари вакиллариининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Форумда хитойлик меҳмонлар юртимизда иқтисодий ривожлантириш борасида изчиллик билан амалга ошириладиган ислохотларга оид ўзгаришлар билан танишдилар. Тадбирда «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида ва Жиззах вилоятида юқори технологиялар санюат паркени ташкил этиш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга оширишга доир масалалар муҳокама қилинди.

## ЎЗБЕКИСТОН-ХИТОЙ ИШБИЛАРМОНЛАРИ БИЗНЕС-ФОРУМИ

— Ўзбекистон барқарор иқтисодий ривожланиш бўйича Марказий Осиёдаги етакчи мамлакатлардан, — деди Ўза мужбирига Хитой халқаро савдога кўмаклашиш кўмитаси вице-президенти Юй Пин. — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2011 йилнинг апрель ойида Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи жуда муваффақиятли бўлди. Мазкур ташриф мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янги мазмун билан бойитиб, икки томонлама имкониятларни янада кенгрок ишга солишда муҳим омил бўлмоқда. Ўзбекистон билан

Хитой ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик алоқалари жадал тараққий этаётгани ва ўзаро савдо айланмаси ҳажми муттасил ошиб бораётгани бизни гоят қувонтиради. Мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиб, Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий муносабатларни янада тараққий эттириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йўналишидаги алоқаларни янада юқори босқичга олиб чиқиш ва ҳамкорликда кўплаб қўшма корхоналар ташкил этиш тарафдоримиз.

Анжуманда икки мамлакат ўртасида иқтисодий, сармоа, савдо, логистика, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, автотранспорт ва қишлоқ хўжалиги каби соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга, қўшма лойиҳаларни амалга оширишга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Бизнес-форум якунида Ўзбекистон Республикаси Савдо-санюат палатасининг Тошкент шаҳар худудий бошқармаси билан Хитой Халқаро савдога кўмаклашиш кўмитасининг Синцзянь-Уйғур кўмитаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланди.

Шу кунди Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Хитой ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперацион биржа бўлиб ўтди.

Ирода УМАРОВА

## ҚИСКА САТРАЛДАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Учтепа туманидаги иқтисодиёт ва сервис коллежиди «Диний экстремизм, терроризм ва ақидапарастлик» мавзусида мутасадди идора вакил-

лари, ўқувчи-ёшлар иштирокида семинар бўлиб ўтди.

✓ **РЕСПУБЛИКА** Болалар кутубхонасида «XXI асрда болалар адабиёти: ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда оила ва кутубхона ҳамкорлиги» мавзусида ташкил этилган илмий-ама-

лий анжуманда ахборот-ресурс марказлари мутахассислари, кутубхоначилар, маънавият тарғиботчилари ҳамда ёшлар иштирок этди.

✓ **БУГУН** Маънавият тарғибот маркази Чилонзор туман бўлими томонидан Фан технологиялари босмаҳонасида «Тўй

ва маросимлар қадриятларимиз кўзгуси» мавзусида йиғилиш ўтказилди.

✓ **МАЪНАВИЯТ** тарғибот маркази Юнусобод тумани бўлими ташаббуси билан тумандаги «Шайх Шибли» маҳалласида ўтказилган тадбир «Маҳалла — халқ виждони» деб номланди.

# ЎЗБЕК МАДАНИЯТИ ТАИЛАНДНИ МАФТУН ЭТДИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*  
**Чулалонгон университетининг Европа муаммолари тадқиқоти марказининг директори Чарит Тингсабадх** ушбу маросимда иштирок этиш учун катта шараф эканлигини таъкидлар экан, тадбир ўзбек халқининг бой маданияти ва анъаналари, шунингдек, Ўзбекистоннинг улкан сайёҳлик салоҳияти билан яқиндан танишиш учун жуда қулай имконият яратганини қайд этди.  
 Унинг айтишича, турли цивилизациялар чорраҳасида жойлашган Ўзбекистон минтақадаги стратегик мамлакат ҳисобланади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Осиё ва Европа ўртасидаги боғловчи бўлин ҳамдир.

«Шу боис мамлакатларимиз ўртасида маданият ва таълим воситасидаги ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш зарур, деб ўйлайман», деди у.  
 Ўзбекистон делегацияси аъзолари мазкур ташриф доирасида Таиланд маданият вазири С.Кунплом билан ҳам учрашдилар. Ўзбекистон ва Таиланд ўртасидаги маданият-гуманитар ҳамкорлик ҳолати ҳамда уни янада ривожлантириш истиқболлари мулоқотларнинг асосий мавзуси бўлди. Ушбу учрашув якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Таиланд Қироллиги Ҳукумати ўртасида маданият ва спорт соҳаларида ҳам-

корлик тўғрисидаги Битим имзоланди.  
 С.Кунплом бу соҳада ҳар икки томонни қизиқтирадиган йўналишлар қўплигини, анъанавий мусиқа санъати ана шулардан бири эканлигини қайд этди. Унинг айтишича, имзоланган ҳукуматлараро Битим икки мамлакатнинг санъат ва спорт намоёндалари ўртасидаги алоқаларини кенгайтиришга йўналтирилган аниқ режа ва дастурларни ишлаб чиқишнинг муҳим механизми бўлиб қолиши баробарида самарали маданий алмашувлар, икки халқни янада яқинлаштириш учун замин сифатида хизмат қилади.  
 Ўзбекистон Республикаси ва Таиланд Қироллиги ўртасида дипло-

матия муносабатлари ўрнатилганининг 20 йиллигига бағишланган тадбирлар доирасида Таиландда «Ўзбекистон маданияти кунлари» ҳам ўтказилди. «Сурхон» ва «Сабо» мусиқа гуруҳлари ижросидаги ўзбек анъанавий кўшиқлари, халқ ашуалари ҳамда жозибали миллий рақслардан иборат чиқишлар, халқ амалий санъати маҳсулотларининг кўргазмаси «Ўзбекистон маданияти кунлари» дастуридан жой олди. Мамлакатимиз маданияти кунлари га бағишлаб Паттая шаҳридаги «Централ» савдо маркази ҳамда Бангкок миллий театри биносида ўтказилган тадбирлар махаллий аҳоли ва мамлакатга келган кўп сонли сайёҳларда катта таассуротлар қолдирди.

«Жаҳон» АА Бангкок

## Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

# ҲАРБЙ ХИЗМАТДАН СЎНГ — ХАЛҚАРО УНИВЕРСИТЕТГА

**Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда муқаддас ҳарбий хизматни ўтаган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида самарали тизим яратилди. Пойтахтимиздаги Халқаро Вестминстер университети ёшларни моддий ва маънавий рағбатлантиришни янада кучайтириш, уларнинг мамлакатимиз олий ўқув юртида таълим олиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида мазкур тўнфадаги ёшлар учун ўқишга киришда имтиёзлар берилишини маълум қилди.**

Энди университет мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафида муқаддас ҳарбий хизматни ўтаган йигитларнинг бепул таълим олиши учун қўшимча бешта грант ўрни ажратди. Мазкур ўринларга талабгорлар сони кўпайса, улар орасидан кириш имтиҳонларида энг юқори натижаларга эришган беш нафари танлаб олинади. Барча имтиҳонларни муваффақиятли топширган бошқа талабгорлар ҳам университетга шартнома асосида ўқишга қабул қилинади. Бундан шартнома пулининг 35 фоизи «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан, яна 10 фоизи университет ҳисобидан тўланади.  
 Халқаро Вестминстер университетидан маълум қилишларича, мазкур имтиёзлардан фойдаланиш асосида бўлган абитуриентлар барча учун ўрнатилган тартибга кўра, инглиз тили бўйича халқаро тест синовида ўтади (IELTS) ва математикадан ёзма имтиҳон топширади. Мазкур имтиҳонларга тайёрланишга кўмаклашиш мақсадида университет томонидан муқаддас ҳарбий хизматни ўтаган ёшлар учун махсус тайёрлов курслари га қатнашишда чегирмалар берилди.  
 — Муқаддас ҳарбий хизматни ўтаган ёшларнинг таълим олиши учун кенг имкониятлар яратилиши муқаддас ҳарбий хизматнинг асосий шартлари бўлиб қолган ва ўз салоҳиятини намоян этишига кўмаклашади, — дейди ЎЗА муҳбирига Халқаро Вестминстер университети маркетинг бўлими бошлиғи Дилбар Қосимова. — Бу Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида хизматни муваффақиятли ўтаган, мамлакатимиздаги бошқа олий ўқув юртида таълим олаётган ва университетимизда ўқишни истайдиган ёшлар учун ҳам тааллуқлидир. Бунинг учун улар Тошкентдаги Халқаро Вестминстер университетига кириш имтиҳонларини топширади. Синовлардан муваффақиятли ўтганлар университетимизда иккинчи босқичдан шартнома асосида ўқишни давом эттириши мумкин. Бундан улар ҳам шартнома пулини тўлашдаги университетнинг 10 фоизли чегирмаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан тўланадиган 35 фоизли имтиёздан фойдаланиши мумкин.

Сардор ТОҶИБЕВ

## ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИХАЛАР АМАЛДА

**Республикада қўшимча инфратузилма иншоотлари лойиҳаларини амалга ошириш, шу асосда иқтисодийнинг тезкор ривожланишини таъминлайдиган замонавий ишлаб чиқаришни шакллантириш муҳим аҳамият касб этмоқда.**

Бу борадаги инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда «Алоқалойиха» давлат унитар корхонаси айниқса фаоллик кўрсатмоқда.  
 Маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро телекоммуникация, телевидение, радиоалоқа ва маълумотлар узатиш йўналишлари бўйича ҳам изланишлар олиб борилмоқда.  
 Корхона раҳбариятининг маълум қилишича, автоматик бошқариш мажмуалари, технологик ва муҳандислик қурилмаларининг лойиҳа-қидирув ишларини бажариш жараёнлари режалар асосида давом этмоқда. Корхона томонидан кейинги йилларда талайгина лойиҳа-смета ишлари амалга оширилди. Мобиль алоқа хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ лойиҳалар ҳам ўз вақтида адо этилмоқда.  
 Инвестиция лойиҳаларини бўйича оптик толали алоқа линиялари ҳам юзага келди. Тошкент — Олмалик — Қўқон рақамли радиотелекоммуникация кенгайтиришга эришилди. Навоий эркин индустриал иқтисодий ҳудудида рақамли телевидение сигналларини қабул қилувчи ускуналарни йиғишга мўлжалланган цехнинг лойиҳа-смета лойиҳаси бўйича бунёдкорлик ишлари олиб борилди.

Акбар АЛИЕВ

## Мамлакатимизда VI Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа доирасида ўтказилаётган ҳудудий ва тармоқлар саноат ярмаркалари давом этмоқда.

Бу ерда камераси сизим хар хил бўлган 17 турдаги музлатгич, мехмонхона музлатгичлари, савдо музлатгичлари, ичимликлар ва музлатилган маҳсулотлар учун витриналар, икки камерали музлатгичлар, шунингдек, «киш-ёз» сплит тизимли совутичлар ишлаб чиқарилмоқда. Жаҳон бозорида рақобатлашиш мақсадида корхонада ISO-9001:2000 халқаро менежмент тизими ва ISO-14001:1996 экологик менежмент тизими жорий этилган.  
 «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси таркибига кирувчи корхоналарнинг

мияти автомобил симлари ва жугтлар, Тошкентдаги «Toshafus» Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонаси энгил автомобиллар учун юқори сифатли ёқилғи насослари етказиб бермоқда.  
 Бу ерда намойиш этилаётган маҳсулотларни харид қилиш ва импорт ўрнини босадиган харидоригр маҳсулот турларини ўзлаштириш бўйича саноат кооперациясида иштирок этишдан манфаатдор хорижий шерикларни жалб этиш масаласига ҳам катта эътибор қаратилмоқда.  
 Пойтахтимиздаги «ArTel» масъулияти чекланган жамияти Жанубий Корея, Италия ва Хитойдаги шерикларнинг ишлаб чиқариш тажрибасидан самарали фойдаланмоқда. Жанубий Корея ва Хитойнинг маийши техника ишлаб чиқарувчи «Samsung» ва «Midea», Италиянинг «Gloria» компаниялари билан стратегик ҳамкорлик хорижий



Аскар Екубов (ЎЗА) олган суратлар

ниқидан қолишмайдиган ва нархи арзон замонавий кондиционерлар, газ плиталари, чанготгичлар, микротўлқинли печлар, электр духовкалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имконини берди. Тошкент ва Нўхусдаги заводлар энг янги ускуналар билан жиҳозланган, мамлакатимиз шаҳарларида фирма дўконлари очилган, мизозлар сони ҳам кўпайиб бормоқда. «ArTel» масъулияти чекланган жамияти менежери Камолитдин Тулагановнинг таъкидлашича, яқин вақт ичида компания кир ювиш машиналари ва музлатгичлар ишлаб чиқаришни бошлайди. «ArTel» белгиси остида чиқаётган барча маийши техниканинг сифат стандартлари жаавоб беради, янги технологиялар ва пухта ўйланган ёндашув компания маҳсулотларининг юқори сифатини таъминламоқда.  
 Уч кун мобайнида ярмарка иштирокчилари ва бу ерда ташриф буюрувчилар корхоналар тақдимотларида катнашиши, уларнинг техник ва технологик имкониятлари билан танишиб, эришилган ютуқлар ва орттирилган тажриба бора-бора фикр алмашиши мумкин. Улар аҳборот ва тақдимот алмашишуви асосида янги маҳсулот турларини ўзлаштириш мақсадида кооперация алоқаларини кенгайтиради, ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хомашё ва материаллар, ишлаб чиқариш-техник йўналишда зарур бўлувчи ҳамда тайёр буюмларни етказиб бериш бўйича шартномалар тузади.  
 Таъкидлаш жоизки, Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа доирасида мамлакатимиз истеъмолчилари қайта ишланган хомашё ва материаллар, бутловчи буюмлар ва ускуналарни қўшимча тендерларсиз, тўғридан-тўғри келишувлар асосида сотиб олиш имконияти эга. Вазирлик ва идоралар, банклар, сугурта компаниялари, стандартлаштириш ва сертификатлашга иқтисодлашган ташкилотларнинг мутахассислари иштирокчиларга маслаҳат хизмати кўрсатмоқда.  
 Ярмарканинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.Розуқулов иштирок этди.  
**Виктор НИКОЛАЕВ**



Тадбирлар Президентимиз Ислам Каримовнинг 2009 йил 1 декабрда қабул қилинган «Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чукрлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 16 апрелдаги иқтисодиёт реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини оширишга доир чора-тадбирлар дастури тўғрисидаги қарорига мувофиқ ўтказилмоқда.  
 Тармоқ саноат ярмаркасининг асосий мақсади корхоналарга қайта ишланган хомашё, материаллар ва бутловчи буюмлар, тайёр товарларни ишлаб чиқариш ҳамда етказиб беришда узок муқаддатли хўжалик муносабатларини кенгайтириш, тармоқ ва тармоқлараро кооперацияни ривожлантириш асосида янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга кўмаклашиш, хорижий харидорлар ва Ўзбекистон Республикасида маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштираётган бўлажак шерикларни жалб қилишдан иборатдир.  
 Ўтган йили ушбу тармоқ ярмаркасида 87 та корхона иштирок этиб, умумий қиймати 458,8 миллиард сўмлик маҳсулот етказиб бериш бўйича 149 та шартнома тузилган эди.  
 Тармоқ саноат ярмаркаларида катнашиш учун етакчи ишлаб чиқариш бирлашмаларининг корхоналари, кичик бизнес субъектлари ва хорижий ҳамкорлар кенг жалб қилинмоқда. Пойтахтимиздаги «Ўзэкспормарказ»да очилган ярмаркада машинасозлик, электр техника ва авиация саноати, маҳсулотларини стандартлаштириш корхоналари ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда. Улар ўз стендларида товар ва буюмларни, жумладан, экспорт қилинадиган маҳсулотлар, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва кооперацион алоқаларни кенгайтириш асосида ўзлаштириш учун истиқболли маҳсулотларни тақдим этмоқда.  
 Экспозицияда «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси, «Ўзелтехсаноат» уюшмаси, «Тошкент трактор заводи», «Агрегат заводи», «Чирчиқшўлоқмаш» оқиқ акциядорлик жамиятлари таркибига кирувчи ва бошқа корхоналар ўз маҳсулотларини кенг намойиш қилаётир.  
 Саноат кооперациясини ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилишда муҳим ўрин тутадиган кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик корхоналарига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимиз корхоналари учун кўرғазма майдонларини беришда имтиёзли шартлар қўлланмоқда, уларга услубий ёрдам кўрсатилмоқда.  
 Маҳаллий хомашё асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Давлат дастурида фаол иштирок этаётган пойтахтимиздаги «Uzelmash» масъулияти чекланган жамияти шулардан биридир.  
 «Uzelmash» масъулияти чекланган жамияти мамлакатимиз бозорида 2003 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда, — дейди ЎЗА муҳбирига ушбу корхонанинг сотишлар бўйича менежери Валерий Романов. — Саноатда умумий фойдаланиладиган қисқа туташган роторга эга уч фазали асинхрон электр двигателларини тақдим этмоқдамиз. Нефть ва газ, кимё, пахтачи қайта ишлаш, кишлоқ хўжалиги, қурилиш соҳаси корхоналари маҳсулотларимиз харидорлари ҳисобланади. «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, «Ўзбекимёшас» акциядорлик жамияти, «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси, Олмалик ва Навоий кон-металлургия комбинатлари, «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа қатор йирки саноат корхоналари шулар жумласидандир.  
 Самарқанддаги «Sino» оқиқ акциядорлик жамияти стенди эътиборга лойиқдир.

## САНОАТЧИЛАРНИНГ ЙИРИК АНЖУМАНИ

турли хил маҳсулотлари ҳам эътиборни тортади. «GM Uzbekistan» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган «Ласетти», «Несия», «Спарк», «Матиз», «Дамас», «Малибу», «Каптив» автомобиллари бугун МДХ, Осиё ва Европа мамлакатлари автомобилларида ҳаракатланмоқда. «JVMAN Auto-Uzbekistan» қўшма корхонаси масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган самосваллар, турли тьягачлар, чикинди ташийдиган машиналар, автокранлар, хавфли юкларни таший

масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган самосваллар, турли тьягачлар, чикинди ташийдиган машиналар, автокранлар, хавфли юкларни таший

Виктор НИКОЛАЕВ



Обод уйим — озода уйим

**Халқимизда: «Сариштали уй — фариштали уй», — деган мақол бор. Тошкентимизнинг кўп қаватли уйлардан иборат маҳаллаларига ҳозир бу мақол жуда мос тушади. Чунки қиз излаб келган совчилар, аввало, қуда бўлмиш яшаётган кўп қаватли уйнинг йўлаги, яъни остонаси саранжом-саришталигига қарашади-да.**

Ахир, қизларимизга совчи келса, аввал шу йўлақларимизга эътибор беришадими? Унинг эшиклари қийшайиб, деворлари тўкилиб, шитларига симлар қалашиб, шифтларига ўргимчаклар тўр тўкиб (халқимизда бунга «ис босиб» дейди) ётган бўлса, совчиларнинг қизимиз ва келинларимиз ҳақидаги фикри ўзгарадими? Ўзгаради. Узоқ-яқиндан келган меҳмонларнинг-чи? Уларнинг биз ҳақимиздаги фикри қандай бўлади?

Шаҳримиз озодалиги деган тушунчага кўп нарса қиради. Озодалик деганда, албатта, ҳамма жой тоза, шина ва батартиб бўлиши кўзда тутилади.

Ҳовлилардан иборат маҳаллаларда-ку ҳар ким ўз ҳовли-жойи ва унинг атрофини тоза тутишга ҳаракат қилади. Бу борада шаҳримизнинг кўп қаватли уйларидаги аҳвол қандай? Хусусан, кўп қаватли турар жойларнинг йўлақлари тоза-озодами?

**Бу икки тарафнинг биринчиси, шу уйлар қарайдиган хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг, иккинчиси, шу уйларда истиқомат қилаётган аҳолининг масъулиятига боғлиқ.**

Халқимизда: «Томчида Күёш акс этади», — деган гап ҳам бор. Шунга ўхшаш, шаҳримиздаги кўп қаватли уйлар йўлақларидан айримларини кўриб чиқиб ҳам бу борада тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

Шу мақсадда шаҳар кезиб, беш-олти туманимиздаги кўп қаватли уйларнинг йўлақларини кўздан кечирдик. Бир олманинг икки юзи бор, деганларидек, ҳам кишини қувонтирадиган, ҳам дилни хира қиладиган манзараларга дуч келдик.

Яхшиси, аввал кишини қувонтирган ҳолатларни айтилайлик.

Бектемир туманидаги Сувсоз мавзесининг «Истиқбол люкс» хусусий уй-жой коммунал ширкатига қарашли 12-уйнинг 3-йўлаги, Миробод туманидаги Моштабид кўчасидаги «Нукус коммунал» хусусий уй-жой коммунал ширкатига қарашли 5-уйнинг 2-йўлаги, Ҳамза туманидаги Лисунов-1а мавзесининг «Ал-Ёқуб» хусусий уй-жой коммунал ширкатига қарашли 40-уйдаги йўлақлар, Чилонзор туманидаги Марказ мавзесининг «Чин бахт сервис» хусусий уй-жой коммунал ширкатига қарашли 28-уйнинг 1-йўлаги, Юнусобод туманидаги 14-мавзенинг «Дилкаш коммунал сервис» хусусий уй-жой коммунал ширкатига қарашли 38-уйнинг 3-йўлаги, Яқкасарой туманидаги «Марям луч» хусусий уй-жой коммунал ширкатига қарашли 41-уйнинг йўлақларини кўриб ҳавасинг келади. Очиғи, ич-ичингдан: «Яшасанг, шундай йўлаги озода уйда яша-да», — деб ҳам уйлайсан.

Авваламбор намунали йўлак тушунчасига нималар киришини ойдинлаштириб олайлик.

Биринчидан, йўлақларнинг эшиклари мезёрида очилиб-ёпилиши, бўялган бўлиши, чиройли туриши керак. Иккинчидан, йўлақларнинг киравериши ва ичкари деворлари сувоқ қилиниб, бўялиши, зиналар ёнидаги ушлагич панжаралар муштаҳкам, орасидаги темирлари тушиб кетмаган, уланмай қолмаган, бўялган бўлиши керак. Худо кўрсатмасин, агар панжара ораларида темирлари тушиб кетган ёки яхши уланмаган бўлса, зинадан панжара ушлаб чиқаётган болакайлар-

нинг пастга тушиб кетиш хавфи пайдо бўлади. Учинчидан, йўлақлар деворидаги электр шитлари бежирим бўлиши, уларнинг эшикчалари кулфланиши зарур. Тўртинчидан, йўлақнинг ҳамма қаватлари кечалари электр чироклари билан ёритилиши лозим. Бешинчидан, йўлаққа кираверишда пойабзал тозалагичлар қўйилган бўлиши. Қаватлардаги деразалар ойналари синмаган бўлиши ва ҳоказолар зарур.

Биз юқорида санаган ширкатларга қарашли уйларнинг йўлақлари ана шу талабларга тўла

жавоб беради. Шунга ҳам унутмайликки, йўлақнинг бу ҳолга келиши учун кимлардир жон куйдирган, ўз вазифасига масъулият билан қараган, керак бўлса, фидойилик намунасини кўрсатган ҳам.

Халқимизда: «Борини баҳам кўриш», — деган ибора ҳам мавжуд. Шу йўлақлардаги мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш, лифтларни асраш, уларнинг мунтазам ишлаб туришига эришиш, электр шитларига қараб туриш, уларнинг беҳавф ва мунтазам ишлашини таъминлаш, йўлақлардаги деразаларнинг синган ойналарини алмаштириб туриш, йўлақларнинг кечалари ёритилишига эришиш учун ҳамма бирдай масъул бўлиши, бир сўз билан айтганда ўз уйимизни ўзимиз сақлашимиз зарур.

Қани эди ҳамма жойда одамлар ишига ва ўз турар жойига шундай чуқур масъулият билан ёндашса. Афсуски ўз уйига лоқайдлик билан муносабатда бўлаётганлар хануз учраб турибди.

Миробод туманидаги Бектемир-Сарикўл кўчасининг «Боғи шамол нури сервис люкс» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатига қарашли 6-уйнинг 1-йўлаги — бир аҳволда. Деворлари тўкилиб кетган. Йўлак деворларига эълонлар ёпиштириб ташланган.

Бектемир туманидаги Сувсоз мавзесининг «Худойкул коммунал» хусусий уй-жой мулкдорлар ширкатига қарашли 30а-уйнинг 2-йўлагининг деворлари кўчиб кетганига, бир аҳволга тушиб қолганига гувоҳ бўлдик.

Ҳамза туманидаги Лисунов-1а мавзесининг «Ал-Ёқуб» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатига қарашли 45-уйнинг 3-йўлагидаги электр шитлари аллақачон яроқсиз ҳолга келиб бўлган. Одамлар симларни ташқаридан ўзбошимчалик билан ўзларини хавф-хатарга қўйиб, улаб олишчи? Бунинг тоқ уриш хавфини ҳеч ким ўйлаётгани йўқ.

Чилонзор туманидаги 16-мавзенинг «Давр коммунал сервис» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатига қарашли 11-уйнинг 1- ва 3-йўлақларидаги аҳвол ҳам бундан яхши эмас. Деворларидаги сувоқлар тўкилиб кетган. Бу ҳолат ўта лоқайдлик ва бепарволик оқибатида юзага келганлиги аққол кўриб турибди.

Зора ушбу уйларда яшаётганларга инсоф бериб, бундан кейин озодаликка янада эътиборларок бўлишса деган умид билан қайтдик.

Ана энди бир масалани аниқлаштириб олайлик. Ҳўш, шаҳар аҳолисининг катта қисми ҳовлиларда яшайдими ёки кўп қаватли уйлардами?

Албатта, аҳолининг катта қисми кўп қаватли уйларда истиқомат қилади. Бутун дунёда шундай. Катта шаҳар дегани — аҳоли зич яшайдиган макон маъносини англатади.

Оддий ҳисоб-китобларга қараганда 2 йўлақли тўққиз қаватли уйда 36 оила истиқомат қилади.

Бу рақамларни бекорга келтираётганимиз йўқ. 36 хонадонда энди 100 дан ортиқ киши яшайдими, демак, агар бу одамлар йўлаққа биттадан нарса ташласа, 100 та бўладими? Йўлақларнинг тез ифлосланиши — шундан. Ҳовлилар-ку бир оилга тегишли бўлгани учун тоза тутилади. Аммо айрим кўп қаватли уйларнинг йўлақларига қараб бўлмайди. Ҳар куни тозаласанг ҳам, яна ифлосланаверади. Ҳўш, ҳар куни тозаланадими? Қаёқда! Кўпинча 1-қаватда яшайдиганлар тозалайди. Охири улар ҳам лоқайдликка берилади. Кўриб турадики, тўққиз қаватдан пастга қараб турли нарсалар ташланяпти, тепа қаватларда яшайдиган қўшнилари кўчадан чекиб келади-да, йўлаққа кирганидан кейин сигаретаси қолдиргани айнан шу ерга отиб, лифт-томон бурилади.

Одамлар «лойгарчилик кунлари» оёқ «кийимига» ёпишган лойларни айнан йўлаққа кирганидан кейин зиналар четидagi панжараларга суртиб тозалайди. Ҳолбуки, стандартга кўра, ҳар бир йўлаққа кираверишда оёқ тозалагич бўлиши керак. Аммо азбаройи бепарволигимиз, масъулиятсизлигимиздан ҳозир кўп йўлақларда жойи бор-у, темир панжараси йўқ. Кўринмасгина туюладиган шу нарсанинг йўқлиги ҳам бир талай муаммо туғдирапти.

Азизлар, ахир буларнинг бари оддий кишининг ички маданияти билан боғлиқ ҳолатларку. Агар ўзимиз истиқомат қиладиган, ҳордиқ чиқарадиган уй-жойларимизни чин кўнгилдан тоза тутишга ҳаракат қилсак уйларимизга ҳам, йўлақларимизга ҳам гард юкмай озода, саранжом-саришта тураверади. Фақат ўз умумий турар жойларимизни биргалликда сақлашга, доимо обод ва тоза тутишга астойдил бел боғласак бўлгани.

Шаҳримиздаги айрим кўп қаватли уйлар йўлақларини кўриб, кўнглимизда шу мулоҳазалар туғилди.

**Кейинги пайтларда шаҳримиз ободлиги йўлида кўп ютуқларга эришдик, албатта. Ҳар шанба куни «Тозалик куни» деб белгиланди. Кўпчилик бу борада ҳамжихатлик билан ишлаяпти. Аммо бизнинг назаримизда кўп қаватли уйларда яшаш, жумладан, унинг йўлақларини тоза-озода тутиш борасида ҳам намуна бўлишимиз керак.** Гап шундаки, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, йўлақларни, уйларимиз атрофини тоза тутиш ўзимизнинг кўлимизда, бу ҳаммамизнинг — шу ерда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаронинг гарданига айрича масъулият юклайди. Ўз уйинг — ўлан тўшагинг. Халқ топиб айтган. Шу уйимизни ўзимиз асрамасак, ким асрайди? Акс ҳолда ўзимиздан ўпқалайлик.

**Хуллас, халқ ифодаси билан айтганда, қаловини топсанг, қор ҳам ёнади. Зеро хонадонларимиз саришта бўлса, дилларимиз чароғон бўлади. Шундай эмасми азизлар!**

**Зийрак Нобого Олим МАҲМУДОВ**  
котиблик қилди

**Зийрак бобо шаҳар кезади**

**САРИШТА БЎЛСА ХОНАДОН — ДИЛЛАР БЎЛУР ЧАРОҒОН**



Айрим йўлақлардаги мана бундай нохуш манзаралар кўнгилларни хира қилади

**Ҳурматли хонадон эгалари!**

**Уйимизнинг ташқи кўриниши, йўлақларимизнинг озодалиги, атроф-ҳудуднинг ободлиги учун барчамиз масъуллигимизни унутмайлик! Ўз уйимизни саришта тутиш, ундаги камчиликларга барҳам бериш инсоний бурчимиздир. Пойдевори, томи бир бўлган умумий уйимиз кириш йўлақларининг созлиги ва озодалиги учун барчамиз жавобгармиз. Уйимизга мулкдор кўзи билан, оила бошлиғи сифатида қарайлик, токи кириш йўлақларимизнинг аҳоли келган меҳмонлар таъбини хира қилмасин!**

**Ўз уйимизни доимо соз ва озода сақлайлик!**

**ҲАММА НАРСА БОЛАЛАР УЧУН**

**28 май куни «Тошкент-Ленд» болалар истироҳат боғида 1-июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган тадбир бўлиб ўтади. Унда 1100 нафарга яқин болалар, Тошкент, Сирдарё вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари, хизмат вазифини бажариш вақтида қаҳрамонларча ҳалок бўлган ҳарбийларнинг фарзандлари, «SOS-Ўзбекистон болалар маҳаллалари» кичкинтойлари иштирок этади.**

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси томонидан баркамол авлод тарбияси, ёш истеъодларни қўллаб-қувватлаш, ота-она меҳридан бебахра болаларга мурувват кўрсатиш мақсадида «1-июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган тадбирлар ўтказиш режалаштирилган. Жорий йилнинг 26 майдан 2 июнига қадар «Хар бир фарзандга меҳр-эътибор» шiori остида махсус ҳафталик ўтказилади.

Ҳафталик доирасида «Тошкент-Ленд» истироҳат боғида ўтказиладиган тадбир боқувчисини йўқотган, етим ҳамда васийликка олинган болалар, кам таъминланган оилалар фарзандлари, «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчиларига ғамхўрлик кўрсатиш ҳамда уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга оширилмоқда.

Мазкур акция «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Ташки иқтисодий алоқалар, Инвестиция ва савдо вазирлиги, Тошкент, Сирдарё вилоятлари ва Тошкент шаҳри ҳокимлиги ҳамда «Сен ёлғиз эмассан» болалар жамоатчилиги жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилаётди.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, мамлакатимизда қабул қилинаётган қонун ва қонуности ҳужжатлар, дастур ва тадбирлар болаларни ҳар томонлама ҳимоя қилиш, уларнинг баркамол бўлиб етишишларига йўналтирилган.

Болалар — Ватанимиз эртаси. Шунинг учун ҳам барча нарса улар учундир.

**Манзура БЕКЧОНОВА,**  
«Туркистон-пресс»

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

**«Respublika Mulk markazi» ЕАЖ бошланғич баҳоси босқичи-босқич охири бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Миробод тумани суд ижроичилари бўлими томонидан, 20.10.2011 йилдаги 20693/6-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳар Бектемир тумани Х.Бойқор кўчаси, 92-А-уйда сақланаётган, «MSHS Universal Servis» МЧЖга тегишли, «FOTON» русумли, д/р 01-059 LAA бўлган, 2009 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 91 600 000 сўм.

**Аукцион савдоси 2012 йил 3 июль куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.**

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2012 йил 29 июль куни соат 18:00.

Савдога қўйилган автотранспорт воситаси билан туман суд ижроичилари вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида катнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Respublika Mulk markazi» ЕАЖнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги куйидаги ҳисоб-рақамга тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52.

Олмазор тумани тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2011 йил 7 июлда Умаров Сунайтилла Хабибуллаевич номига берилган ренестр рақами № 0513325 бўлган, 05-11391 рақамли (ИНН: 601136209) яқна тартибдаги тадбиркор гувоҳномаси йўқолганиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази гастроэнтерология бўлими жамоаси бош илмий ходим тиббиёт фанлари номзоди

**Меҳмон Носирович АҲМЕДОВ**нинг вафот этганиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардик билдиради.

**Ўзгидромет**  
ХАБАР ҚИЛАДИ

32 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 26 майда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бироз тарқалиб кетишига имконият яратди. Атмосферанинг ифлосланиши даражаси 1-3 фоз пасайиши тахмин қилинган. Ҳарорат кечаси — 17-19 даража ишиқ, кундузи — 30-бўлади.

